**Бажарилиши икки йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Педагогика ва психология ва фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Инновацион лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Ёшлар қалбига ўзлигимиз, азалий қадриятларимиз асосида миллий ғурур, одоб-ахлоқ фазилатларини сингдириш, уларни мардлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Кураш” ва “Кўпкари” миллий компьютер ўйинлари ва унинг мобил иловасини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли:** Ёшлар қалбига ўзлигимиз, азалий қадриятларимиз асосида миллий ғурур, одоб-ахлоқ фазилатларини сингдириш, уларни мардлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган “Кураш” ва “Кўпкари” миллий компьютер ўйинлари ва унинг мобил иловасини яратиш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>- бугун ёшлар тарбиясининг асоси ҳисобланган миллий қадриятларимиз, урф-одат ҳамда анъаналаримиз ҳақида яхлит, ҳамма фойдалана олиши мумкин бўлган қисқа метражли аннимацион мультимедиа маҳсулотларидан иборат бўлган электрон тизим яратилади;<br>- ёшларда миллий спорт турига нисбатан қизиқиш ва масъулият янада оширилади;<br>- ёшларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мультимедиа маҳсулотлар ва мобиль ўйин яратилади;<br>- ёшларни мардликка, кучлилик ва чаққонликка, ҳалоллик ва тўғри сўзликка, зийракликка унловчи “Кураш”, “Кўпкари” ва бошқа миллий спорт ўйинлари бўйича мультимедия маҳсулотлари яратилади.<br>- ёшлар учун “Кураш” ва “Кўпкари” миллий спорт турлари бўйича компьютер ўйинлари яратилади;<br>- яратиладиган компьютер ўйинлари ҳамда аннимацион мультемидиа маҳсулотларида аждодларимиз тажрибалари ва қарашлари, шунингдек, дунёга машҳур спортчиларимиз ва таниқли юртдошларимизнинг фаол муносабатлари ҳам акс эттирилади;<br>- ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда, уларни соғлом, кучли, илмли ва маънан комил инсон қилиб тарбиялашда ота-она ҳамда устоз-мураббийлар учун ўзига хос усул ва услублар мажмуидан иборат мобиль иловалар шакллантирилади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари республикадаги барча умумий ўрта таълим мактаби муассасаларида синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | **0,8 млрд сўм** |
| **Жами йиллик:** | | | **0,8 млрд сўм** |

*Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 1,6 млрд сўм ва бажарилиши икки йилга мўлжалланган.*

**Бажарилиши бир йилга мўлжалланган инновацион лойиҳалар танлови мавзуси**

| “Педагогика ва психология ва фанлари” йўналиши бўйича | | | |
|---|---|---|---|
| **№** | **Инновацион лойиҳа мавзуси** | **Лойиҳа бажарилишидан кутилаётган натижа** | **Лойиҳанинг йиллик молиялаштириш ҳажми** |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | Профессионал таълим тизимини ўқув-методик таъминлаш электрон платформасини яратиш<br><br> | **Тадқиқот шакли** Профессионал таълим тизимини ўқув-методик таъминлаш электрон платформасини яратиш бўйича инновацион лойиҳа бажарилади.<br>**Илмий тадқиқот натижалари:**<br>– профессионал таълим муассасаларини онлайн ўқув-методик таъминлаш портали яратилади;<br>– профессионал таълим тизимида мавжуд барча касб ва мутахассисликларнинг ўқув-ммеъёрий ҳужжатлари, ҳар бир касб ва мутахассисилик бўйича яратилган аудио, визуал ва мантнли ўқитиш материаллари тўплами ҳамда интерактив лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни ўтказиш учун электрон имитатор-тренажёрлар порталга жойлаштирилади;<br>– методик таъминлаш порталида ўқувчи ва педагоглар учун алоҳида шахсий кабинетлар очиш учун шароитлар яратилади;<br>– энг илғор методик ишланмалар ва тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш ва тарғибот этишнинг инновацион механизми амалиётга жорий этилади;<br>– профессионал таълим тизимидаги ўқув муассасалар, раҳбар ва педагог кадрларнинг рейтингини аниқлашнинг инновацион механизми жорий этилади;<br>– профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган педагог кадрларга ўз методик ишланмаларини тизимга жойлаштириш ҳамда тизимдаги энг янги педагогик технологиялар ва методик ишланмаларидан реал вақт режимида фойдаланиш имконияти яратилади;<br>– портал орқали профессионал таълим тизимини методик таъминлаш ва раҳабар ва педагог кадрларнинг мақсадли малака ошириш жараёнлари интеграция қилинади;<br>профессионал таълим тизимининг барча босқичларида фаолият юритаётган бошқарув, педагог ходимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг шахсий, касбий ва бошқарув компетенциялари ҳамда уларнинг касбий фаолият натижаларини мониторинг қилиш, унинг таҳлили асосида малака оширишнинг оптимал дастурлари ва шкалларини белгиланади.<br>**Натижаларни синовдан ўтказиш:** Тадқиқот натижалари Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта | **0,8 млрд сўм** |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, профессионал таълим муассасалари ва бошқа касбга ўқитиш курсларида тажриба-синовдан ўтказилади.<br>**Илмий натижаларни чоп этиш:** Тадқиқот натижаларига интеллектуал мулк объектлари учун тегишли ҳужжатлар олинади. Нуфузли илмий журналларда ва Web of Science ҳамда Scopus маълумотлар базасида индексацияланган журналларда илмий мақолалар чоп этилади. | |
| **Жами йиллик:** | | | **0,8 млрд сўм** |

****Инновацион лойиҳанинг умумий молиялаштириш ҳажми 0,8 млрд сўм ва бажарилиши бир йилга мўлжалланган.***